

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 27 ” ноябрь №ПҚ-4538 “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 г.

**Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида илғор хорижий технологияларни фаол жорий этиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ОТБ) ўртасида “Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) молиялаштириш учун 2 фоиз ставкада, шу жумладан 5 йил имтиёзли даврга 25 йилда коплаш муддати билан қиймати 150,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз битими имзоланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 237,45 млн АҚШ доллари эквивалентини, улардан:

150 млн АҚШ доллари ОТБнинг қарзи;

56,15 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Лойиҳа иштирокчилари (бенефициарлар)нинг улуши;

31,30 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклида – 22,46 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклида – 8,84 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улушини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, унинг мувофиқлаштирилиши ва бошқарилиши, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисобот юритилиши учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, ОТБнинг қарзи ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юкланади;

Лойиҳани амалга ошириш даври 5 йилни (2020–2024 йиллар) ташкил этади.

### 3. Қуйидагилар:

“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича Осиё тараккиёт банкининг қарздан фойдаланиш схемаси 2-иловага мувофиқ;

“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Осиё тараккиёт банкининг қарзини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга оширишнинг прогноз жадвали 3-иловага мувофиқ;

“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида ОТБ томонидан ажратилган қарзни ишлатиш тартибини, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини кўрсатган ҳолда, кредитни қайта молиялаштиришнинг муддатлари ва шартлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги вазири, Агентлик бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот ҳамда зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этишни ўз вақтида ташкиллаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан ОТБ томонидан ажратиладиган қарзни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, уларга Агентлик ва Лойихада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари билан келишилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасидаги қарз битими;

Лойиха доирасида Агентлик ҳамда Лойихада иштирок этувчи тижорат банклари билан ОТБнинг қарз маблағларини қайта кредитлаш битимлари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар юзасидан ўрнатилган тартибда юридик ҳулосалар берсин.

8. Қуйидагилар:

Лойихани амалга ошириш доирасида ОТБ қарзи ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан;

Лойихани амалга оширишда иштирок этаётган жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан озод қилинсин.

Белгилансинки:

мазкур бандга мувофиқ тақдим этилган имтиёзларнинг амал қилиши Лойиха доирасида қайта молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам жорий этилади;

ушбу имтиёзлар натижасида бўшаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойихани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиха Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентликнинг буюртманомалари бўйича Лойихани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентликнинг буюртманомалари бўйича Лойиха доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг муддатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4538-сон қарорига  
1-илова

**“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни  
ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан:		
				ОТБ маблағлари	Бенефициарлар маблағлари	Ўзбекистон Республикаси улуши
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати*	минг АҚШ долл. экв.	237 454,3	150 000,0	56 154,0	31 300,3
2.	Умумий капитал қўйилмалар миқдори	минг АҚШ долл. экв.	214 992,3	150 000,0	56 154,0	8 838,3
2.1.	Чорвачилик тармоғида ишлаб чиқаришни ривожлантириш	минг АҚШ долл. экв.	202 154,0	146 000,0	56 154,0	
2.2.	Бошқа сарф-харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	4 000,0	4 000,0		
2.3.	Инвестиция давридаги молиявий харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	8 838,3			8 838,3
3.	Божхона ва солиқ имтиёзлари	минг АҚШ долл. экв.	22 462,0			22 462,0
4.	Лойиҳа амалга оширилиши учун жалб қилинаётган мавжуд асосий фондларнинг нархи	минг АҚШ долл. экв.	Лойиҳанинг амалга оширилиши учун жалб қилинаётган фондлар мавжуд эмас			
5.	Лойиҳани қоплашнинг ҳисоб-китоб қилинган муддати	йил			7	
6.	Инвестиция даври давомийлиги	ойда			60	
7.	Яратилаётган ишлаб чиқариш фондларининг нархи	минг АҚШ долл. экв.			202 154	
8.	Қарзни тўлаш муддати	йил			25	
9.	Шунингдек имтиёзли муддат	йил			5	

**Изоҳ:** \*Яқиний нарх кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари, товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш бўйича белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер савдолари натижалари асосида белгиланади.

**“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш”  
лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банкнинг қарздан фойдаланиш  
СХЕМАСИ**

*миңг АҚШ доллари*

Т/р	Компонентлар номи	Қарз суммаси		Қарзни қайтарилиши				Қарзни тўлаш усули
				Давлат бюджети ҳисобидан		Лойиҳа иштирокчилари ҳисобидан		
		миқдори	фоиз	миқдори	фоиз	миқдори	фоиз	
1.	<b>1-компонент.</b> Чорвачилик тармоғида молиялаштириш имкониятини кенгайтириш.	146 000,0	97,33%			146 000,0	100%	Иштирок этувчи тижорат банклари томонидан амалга оширилади.
2.	<b>2-компонент.</b> Чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш хизматларини яхшилаш.	1 924,4	1,28%	1 924,4	100%			Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
3.	<b>3-компонент.</b> Лойиҳани бошқариш.	2 075,6	1,39%	2 075,6	100%			Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
	<b>Умумий</b>	<b>150 000,0</b>	<b>100%</b>	<b>4 000,0</b>	<b>2,67%</b>	<b>146 000,0</b>	<b>97,33%</b>	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4538-сон қарорига  
3-илова

**“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни  
ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Осиё тараққиёт банкнинг қарзини  
сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга оширишнинг прогноз  
ЖАДВАЛИ**

Қарз миқдори, минг АҚШ доллари		150 000,0
Қарз муддати, йил	-	25
Имтиёзли муддат, йил	-	5
Қарз бўйича фоиз ставкаси	-	2,0%

минг АҚШ доллари

Тўлов санаси	Фоиз суммаси	Асосий қарз бўйича тўловлар суммаси	Жами тўланадиган сумма
2019 йил 15 декабрь			
2020 йил 15 июнь	226,62		226,62
2020 йил 15 декабрь	453,24		453,24
2021 йил 15 июнь	748,86		748,86
2021 йил 15 декабрь	1 044,48		1 044,48
2022 йил 15 июнь	1 121,00		1 121,00
2022 йил 15 декабрь	1 197,52		1 197,52
2023 йил 15 июнь	1 273,23		1 273,23
2023 йил 15 декабрь	1 348,94		1 348,94
2024 йил 15 июнь	1 424,47		1 424,47
2024 йил 15 декабрь	1 500,00	3 750,00	5 250,00
2025 йил 15 июнь	1 462,50	3 750,00	5 212,50
2025 йил 15 декабрь	1 425,00	3 750,00	5 175,00
2026 йил 15 июнь	1 387,50	3 750,00	5 137,50
2026 йил 15 декабрь	1 350,00	3 750,00	5 100,00
2027 йил 15 июнь	1 312,50	3 750,00	5 062,50
2027 йил 15 декабрь	1 275,00	3 750,00	5 025,00
2028 йил 15 июнь	1 237,50	3 750,00	4 987,50
2028 йил 15 декабрь	1 200,00	3 750,00	4 950,00
2029 йил 15 июнь	1 162,50	3 750,00	4 912,50
2029 йил 15 декабрь	1 125,00	3 750,00	4 875,00
2030 йил 15 июнь	1 087,50	3 750,00	4 837,50
2030 йил 15 декабрь	1 050,00	3 750,00	4 800,00
2031 йил 15 июнь	1 012,50	3 750,00	4 762,50
2031 йил 15 декабрь	975,00	3 750,00	4 725,00
2032 йил 15 июнь	937,50	3 750,00	4 687,50
2032 йил 15 декабрь	900,00	3 750,00	4 650,00

2033 йил 15 июнь	862,50	3 750,00	4 612,50
2033 йил 15 декабрь	825,00	3 750,00	4 575,00
2034 йил 15 июнь	787,50	3 750,00	4 537,50
2034 йил 15 декабрь	750,00	3 750,00	4 500,00
2035 йил 15 июнь	712,50	3 750,00	4 462,50
2035 йил 15 декабрь	675,00	3 750,00	4 425,00
2036 йил 15 июнь	637,50	3 750,00	4 387,50
2036 йил 15 декабрь	600,00	3 750,00	4 350,00
2037 йил 15 июнь	562,50	3 750,00	4 312,50
2037 йил 15 декабрь	525,00	3 750,00	4 275,00
2038 йил 15 июнь	487,50	3 750,00	4 237,50
2038 йил 15 декабрь	450,00	3 750,00	4 200,00
2039 йил 15 июнь	412,50	3 750,00	4 162,50
2039 йил 15 декабрь	375,00	3 750,00	4 125,00
2040 йил 15 июнь	337,50	3 750,00	4 087,50
2040 йил 15 декабрь	300,00	3 750,00	4 050,00
2041 йил 15 июнь	262,50	3 750,00	4 012,50
2041 йил 15 декабрь	225,00	3 750,00	3 975,00
2042 йил 15 июнь	187,50	3 750,00	3 937,50
2042 йил 15 декабрь	150,00	3 750,00	3 900,00
2043 йил 15 июнь	112,50	3 750,00	3 862,50
2043 йил 15 декабрь	75,00	3 750,00	3 825,00
2044 йил 15 июнь	37,50	3 750,00	3 787,50
<b>Жами</b>	<b>39 588,36</b>	<b>150 000,00</b>	<b>189 588,36</b>



**“Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш”  
лойиҳасини амалга ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	қўриб чиқиш муддати
1.	<p><b>Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) доирасида Осиё тараққиёт банки билан лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари ва Агентлик ўртасида алоҳида лойиҳа шартномаларини имзолаш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эшматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	2019 йил декабрь
2.	<p><b>Лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг тўлиқ амалга оширилиши, шу жумладан маблағларни ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i></p>	2019 йил декабрь	2020 йил январь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Вахабов)	2020 йил январь
3.	<p><b>Осиё тараққиёт банки талабларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Вахабов)	2020 йил январь
4.	<p><b>Лойиҳа доирасида тегишли ва масъул бўлган шахслар имзоларининг намунасини тасдиқлаб, Осиё тараққиёт банкига тақдим этиш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эшматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров)	2020 йил январь

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	қўриб чиқиш муддати
5.	<p><b>Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни қайта молиялаштиришнинг муддатлари ва шартлари, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Осиё тараққиёт банкининг қарзидан фойдаланиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ииметов), Марказий банк (М.Нурмуратов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ҷ.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	2020 йил январь
6.	<p><b>Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари, Агентлик ва Молия вазирлиги ўртасида алоҳида қайта кредитлаш шартномаларини имзолаш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Молия вазирлиги (Т.Ииметов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ҷ.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	2020 йил январь
7.	<p><b>Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги қарз битими ва лойиҳа доирасида иштирок этувчи тижорат банклари, Агентлик ва Молия вазирлиги ўртасида алоҳида имзоланадиган қайта кредитлаш шартномаларига юридик хулоса бериш.</b></p> <p><i>Масъул: Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Вахабов)	2020 йил январь
8.	<p><b>Осиё тараққиёт банки талабларига мувофиқ лойиҳа доирасида иштирок этувчи тижорат банклари томонидан Табиатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий бошқариш тизимини яратиш ва йўлга қўйиш.</b></p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ҷ.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Вахабов)	2020 йил январь

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	кўриб чиқиш муддати
9.	<p><b>Лойиҳа доирасида кредит маблағларига эҳтиёжманд тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб бориш.</b></p> <p>Кредит маблағларини тақсимлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини танлаб олиш Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланадиган Осиё тараққиёт банкининг қарзидан фойдаланиш низомига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p><i>Масъул: Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эсиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2019 йил декабрь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида
10.	<p><b>Тадбиркорлик субъектларига чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, чорвачилик тармоғида хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш воситалари, қишлоқ хўжалиги технологиялари ва ускуналарини ишлаб чиқариш ва ёки етказиб бериш учун узоқ муддатли имтиёзли маблағларини тақдим этиш.</b></p> <p><i>Масъул: Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эсиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев), Агентлик (Ш.Шоахмедов)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида
11.	<p><b>Лойиҳа доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан мақсадли ишлатилишини таъминлаш чораларини кўриш.</b></p> <p><i>Масъул: Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эсиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>Э.Ғаниев</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	кўриб чиқиш муддати
12.	<p>Лойиҳа доирасида хусусий ветеринария амалиётини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан клиник ветеринария хизматларидан ҳамда хайвонларни парваришлаш ва соғлиғини сақлаш бўйича маслаҳатлардан фойдаланишни яхшилаш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши давлат қўмитаси (Б.Норқобилов)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида
12.1.	<p>Давлат ветеринария хизмати ветеринарлари ва хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширувчи ветеринарлар малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши давлат қўмитаси (Б.Норқобилов)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида
12.2.	<p>Ўзбекистон Республикасида хусусий ветеринария хизматларини ривожлантириш учун намуна сифатида хусусий ветеринария амалиёти намунасини (моделини) яратишда амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши давлат қўмитаси (Б.Норқобилов)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида
12.3.	<p>Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банкларининг чорвачилик соҳасида кредитлаш сиёсати ва тартиб-тамойиллари билан бирга, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи фермерларга кредит маҳсулотларини тақдим этишни йўлга қўйиш ва илгари суриш стратегияларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p><i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эшиматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i></p>	2020 йил январь	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси ( <i>А.Вахабов</i> )	лойиҳа амалга оширилиши даврида

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Бажарилиш санаси		Ижро ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш	
		бошланиши	яқунланиши	назоратга масъул	кўриб чиқиш муддати
13.	<b>Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Норқобилов), Халқ банки (Ф.Саламов), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (А.Воитов), “Туронбанк” АТБ (Ч.Мирзаев), “Микрокредитбанк” АТБ (М.Эшматов), “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ (Б.Муллаханов), “Ипотека банк” АТБ (Ш.Атабаев)</i>	лойиҳа амалга оширилиши даврида	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	лойиҳа амалга оширилиши даврида
14.	<b>Лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги Инвестиция дастурига киритиш.</b> <i>Масъул: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков)</i>	2019 йил декабрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	2020 йил январь
15.	<b>Лойиҳани амалга ошириш мобайнида йиллик белгиланган ўзлаштириш прогнозларининг бажарилиши, лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши, лойиҳанинг бюджет кўрсаткичлари устидан доимий назорат олиб бориш.</b> <i>Масъул: Агентлик (Ш.Шоахмедов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков), Молия вазирлиги (Т.Ииметов)</i>	лойиҳа амалга оширилиши даврида	лойиҳа амалга оширилиши даврида	Вазирлар Маҳкамаси (А.Вахабов)	лойиҳа амалга оширилиши даврида

